



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент архитектура
курулиш институти
ректори

Р.Р.Ҳакимов

“ 25 ” 12 2017 й.

**“Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш”
интерактив хизматининг намунавий регламенти**

1. Хизмат таърифи.

1.1. Хизмат (паспорти) номланиши.

Қисқа номи: “Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш”.
Кенгайтирилган номи: Олий таълим муассасаси (кейинги ўринларда - ТАҚИ) томонидан
“Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига аризаларни электрон қабул
килиш” интерактив хизмати.

1.2. Хизмат натижаси.

ТАҚИ профессор-ўқитувчиларидан танловга электрон шаклда аризалар қабул килиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи.

Хизмат ТАҚИ томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз
таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётари билан таъминлашни такомиллаштириш
тўғрисида”ги 4-сонли қарори.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви,
махаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан
фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 23 августдаги 181-сонли қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.

ТАҚИ профессор-ўқитувчилари.

1.6. Ариза бериш муддатлари.

Белгиланган муддатларда (муддат кўрсатилсин).

1.7. Бажарилиш муддатлари

Белгиланган муддатларда (муддат кўрсатилсин).

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш.

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги
ахборот тақдим этилади:

- Хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақида маълумот;
- Хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- Ариза бланкаси тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- Хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- Хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2. Батафсил маълумот олиш.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

ТАҚИ манзили кўрсатилади.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1. Иш вақтлари.

ТАҚИ танлов комиссияси ҳафтанинг душанба - шанба кунлари соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ га қадар фаолият олиб боради.

3.2. Кутиш шартлари.

Кутиш шартлари белгиланмаган.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар.

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
- дарслик ва ўқув адабиётларнинг электрон нусхаси.

4.2. Хизмат тўлови.

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

ТАҚИ нинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
2. “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш” хизмати танланади.
3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади:
4. Дипломнинг серияси ва рақами киритилади.
(қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни.

ТАҚИ нинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:


1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
2. “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига” аризаларни электрон қабул қилиш” интерактив хизмати танланади.
3. Аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ). Лавозим ҳақидаги маълумотлари киритилади.
4. Дарслик ва ўқув адабиётларнинг электрон нусхаси илова қилинади.

5. Оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб, ”ЭРИ билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.


4.5. Рад этиш сабаблари.

Маълумотлар нотўғри киритилганлиги.

“КИРИТИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Ўқув бўлим
бошлиғи


С.Махкамов
“ 25 ” / 12 2017 й.

“КЕЛИШИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Ахборот технологиялари
маркази бошлиғи


Э.Умматов
“ 25 ” / 12 2017 й.